



# ТЕРМИЗЛИК ИККИ АЛЛОМА


*АБУ ИСО МУҲАММАД  
ТЕРМИЗИЙ*



*ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

У.М.Уватов  
И.С.Усмонов



— ← ————— → —

**ТЕРМИЗЛИК**

**ИККИ АЛЛОМА**

— ← ————— → —

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2017

УЎК 28:01(091)

86.38г(5Ў)

У 14

Уватов У., Усмонов И.

Термизлик икки аллома [Матн] / У. Уватов, И. Усмонов. -  
Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 144 б.

КБК 86.38г(5Ў)

Масъул муҳаррир:

**З.Исломов**, филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

**Н.Муҳамедов**, тарих фанлари номзоди

**М.Алимова**, тарих фанлари номзоди

Ушбу рисола термизлик икки буюк аллома Абу Исо Муҳаммад ва Ҳаким Термизийларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси, илмий-маънавий мероси тадқиқига бағишланади. Алломаларнинг ўз давридаги диний масалалар, инсон руҳияти, ахлоқ-одоб, ҳикмат борасида берган қимматли фикрлари бутунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, ҳозирда турли даъволарни илгари сураётган ёт кучларнинг кирдикорларини фош қилишда ҳам ушбу икки алломанинг асарлари беқиёс манба бўлиб хизмат қилади. Зеро, соф ислом таълимоти акс этган ушбу асарларда зўравонлик, хунрезлик, бузуқлик каби иллатлар қораланиб, маънавий баркамоллик ғоялари илгари сурилади. Ўқувчида термизлик алломаларнинг ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун рисолада уларнинг асарларидан таржималар ҳам келтирилган.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 929-сонли хулосаси асосида  
тайёрланди.*

ISBN 978-9943-4828-3-8 © Убайдулла Уватов, Иброҳим Усмонов.

© «Тошкент ислом университети»

нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2017

## ДЕБОЧА

Термиз қадимдан илмий-маданий марказлардан бири ҳисобланиб, кўплаб буюк алломаларни вояга етказган. Айниқса, Термиз шаҳри IX асрда Мовароуннахрнинг энг йирик ва кўркам шаҳарларидан бири сифатида машҳур бўлган. Шаҳарда илм-фан ва маданият юксак даражада тараққий этган. IX–X асрларда Термизда бошқа илмлар қатори ҳадис ва тасаввуф илми равнақ топа борди. Илм-фаннинг турли соҳалари, жумладан, ислом илмлари бўйича Термиз шаҳридан етишиб чиққан кўплаб алломалар «Термизий» нисбаси билан бутун дунёда машҳур бўлганлар. Жаҳон эҳтиромига сазовор бўлган ана шундай буюк сиймолардан бири – Абу Исо Муҳаммад Термизий бўлса, яна бири Ҳаким Термизийдир.

Жаҳон илм-фани ривожига салмоқли ҳисса қўшган кўплаб алломаларимиз, айниқса, қадим Термиздан етишиб чиққан буюк сиймоларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганишда 2014 йил май ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференцияда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нутқлари том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган эди. Биринчи Президентимиз нутқида айтилган «Бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва омалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш» деган пурмаъно фикрлари юртимиз аллома ва мутафаккирлари қолдирган бой ва қиммат-

ли меросни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этди. Шу билан бирга Ислом Каримовнинг айни шу 2014 йил 28 ноябрь куни Термиз шаҳри яқинида жойлашган «ал-Ҳаким ат-Термизий ёдгорлик мажмуасини» зиёрат қилиш пайтида термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, уларни содда ва оммабоп услубда кенг халқ оmmasига етказиш борасидаги қимматли кўрсатмалари ушбу масаланинг нақадар муҳим ва долзарблигини кўрсатади. Чунончи, Биринчи Президентимизнинг ушбу кўрсатмаларидан келиб чиқиб 2015 йил Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида «Термизлик алломалар илмий меросини тадқиқ этиш, асарларини таржима қилиш ва нашр этиш» бўйича амалий грант лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳада белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида соҳа бўйича республикамизда кўзга кўринган олимлар ва мутахассислардан иборат ижодий гуруҳ қизғин иш олиб бормоқда.

Мамнуният билан айтиш керакки, ўтган қисқа вақт мобайнида бу йўналиш бўйича талай ишлар амалга оширилиб, олимларимиз томонидан қатор илмий ва оммабоп рисоалар, мақолалар чоп этилиб, бир неча илмий-амалий анжуманлар ҳам ўтказилди. Энг муҳими, термизлик олимлар яратган асарларни араб ва форс тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш, уларнинг давримизгача етиб келган асарлари, қўлёзмаларининг фихристи (каталоги)ни тузиш бўйича эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Шулар жумласидан, тадқиқотчи Ж.Ҳамроқулов томонидан Ҳаким Термизийнинг «Ҳаж ва унинг сирлари» (ал-Ҳажж ва асроруху) номли асарининг ўзбек тилидаги таржимаси, илмий изоҳлари, кўрсаткичлари билан нашр этилди. Ҳаким Термизийнинг яна бир муҳим асари «Адабун-нафс» асари «Инсон одоби» номи билан ёш тадқиқотчи

К.Раҳимов томонидан араб тилидан таржима қилиниб, ўзбек тилида илмий изоҳлари ва кўрсаткичлари билан нашр этилди. Лойиҳа доирасида амалга оширилган муҳим ишлардан яна бири «Термизлик алломалар асарларининг қўлёзмалари каталоги»нинг нашр этилиши бўлди. Каталогдан ўрта асрларда фаолият кўрсатган ўн иккита термизлик алломаларнинг мамлакатимизда ва ўндан ортиқ хорижий давлатларда сақланган 129 асарининг 452 та қўлёзмасининг илмий тавсифи ўрин олган. Ушбу каталогнинг нашр этилиши термизлик алломалар қолдирган бой илмий-маънавий меросни чуқур ўрганишда алоҳида аҳамиятга эгаллиги билан қимматлидир.

2016 йил 11 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Сурхондарё вилоятига ташриф буюрди. Вилоятга сафарини Ҳаким Термизий мажмуаси зиёрати билан бошлаган Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов ушбу воҳага ташрифини одатда мазкур муборак қадамжони зиёрат қилишдан бошлашгани эсга олди. Шавкат Мирзиёев улуғ алломалар меросини ўрганиш, тарғиб этиш, қадамжоларини обод қилиш юзасидан тавсия берар экан, термизлик алломалар қўним топган ушбу масканда Ислом Каримов ташаббуси билан кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани, зиёратчилар учун барча қулай шароитлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Шу билан бирга термизлик алломалар меросини ўрганиш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги, айниқса Абу Исо Термизий зиёратгоҳини ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётганига урғу берди. Президент Ш.Мирзиёевнинг Сурхон заминига қилган ташрифи термизлик алломалар илмий-маънавий меросини ўрганиш ишларига янги руҳ ва куч-қувват бағишлади. Ушбу ишларнинг узвий давоми сифатида 2017 йил 14

Февраль куни эълон қилинган «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2774 сонли давлатимиз раҳбарининг қарори асосида термизлик алломалар илмий-маънавий меросини ўрганиш ва хотирасини абадийлаштиришга доир ишлар тизимлилик ва мунтазамлик касб этади.

Мазкур кўрсатмаларнинг ижроси юзасидан ёзилган ушбу рисола термизлик икки машҳур аллома Абу Исо Муҳаммад ва Ҳаким Термизийларнинг ҳаёти, ижодий фаолияти, ислом илмлари ривожига қўшган ҳиссаси, илмий-маънавий мероси тадқиқига бағишланади. Алломаларнинг ўз давридаги диний масалалар, инсон руҳияти, ахлоқ-одоб, илму ҳикмат борасида берган қимматли фикрлари бугунги кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Айниқса, ҳозирги вақтда турли пуч даъволарни илгари сураётган ёт кучларнинг кирдикорларини фош қилишда ҳам ушбу икки алломанинг асарлари беқиёс манба бўлиб хизмат қилади. Зеро, соф ислом таълимоти акс этган ушбу асарларда зўравонлик, хунрезлик, бузуқлик каби иллатлар қораланиб, маънавий баркамоллик ғоялари тараннум этилади. Ўқувчида термизлик алломаларнинг ижоди ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлиши учун рисолада уларнинг асарларидан таржималар ҳам келтирилган.

Бугунги кунда аждоқларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган ғоят бебаҳо хазинани илмий асосда ўрганиш, дунёқарашимизнинг узвий қисмига айлантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ишлар табаррук заминимиздан етишиб чиққан буюк мутафаккирларнинг ҳаёти ва ижодини холис баҳолаш, улар меросининг инсоният тафаккури, ислом маданияти ва цивилизацияси ривожигадаги ўрни, инсонлар маънавиятини маърифат зиёси билан мунаввар этишдаги аҳамиятини илмий асосда тадқиқ

этиш имконини беради. Бу борада Тошкент ислом университети томонидан қатор хайрли, илмий аҳамиятга молик ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, алломаларимиз бебаҳо асарларидаги ҳаётбахш ҳикматлар, уларнинг ибратли ҳаёт йўли, қолдирган улкан меросининг моҳиятини англашда Тошкент ислом университети мутахассислари томонидан «Буюк аждодларимиз» туркумида чоп этилаётган ушбу рисолалар ўз ўрнига эга бўлади, деган умиддамиз.

### Муаллифлардан



## МУНДАРИЖА

Дебоча..... 3

## АБУ ИСО МУҲАММАД ТЕРМИЗИЙ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳақида.....	8
Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳақида .....	10
Буюк алломалар Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳақида .....	11
Ҳадис илмига баҳшида умр .....	12
Абу Исо Муҳаммад Термизий даври .....	16
Имом Термизий даврида ҳадис ва унга оид илмлар .....	17
Абу Исо Муҳаммад Термизий .....	20
Илм талабидаги саъй-ҳаракатлар .....	22
Илм излаб олиш юртларни кезиш... ..	22
Ўз даврининг буюк олимлари билан мулоқоти .....	23
Имом Термизий – Имом Бухорийнинг шогирди.....	24
Имом Бухорийнинг эътирофи .....	26
Абу Исо Муҳаммад Термизий фақиҳ сифатида.....	27
Термизийнинг юксак фазилатлари ва ахлоқий сифатлари.....	29
Термизийнинг юксак илмий салоҳияти ва фавқулодда иқтидори.....	32
Термизийнинг машҳур устозлари ва шогирдлари .....	33
Абу Исо Муҳаммад Термизий ва унга замондош олимлар.....	34
Термизий ва Имом Муслим .....	35
Имом Термизийнинг Имом Бухорийдан фойдаланган мавзулари.....	36
Термизий асарлари.....	37

«Жомеъ ус-саҳиҳ» .....	38
«Жомеъ» асарида фикҳ масалалари .....	52
Термизийнинг «Аш-Шамои́л ун-набавиййа» асари...	58
«Аш-Шамои́л ун-набавиййа» асарини бобларга ажратиш.....	61
Ҳадисларни ривоят қилиш услуби .....	63
«Аш-Шамои́л» ҳадисларининг даражалари .....	64
«Аш-Шамои́л» асарига уламоларнинг таҳсини .....	66
Термизийнинг «Ал-Жомеъ» ва «Аш-Шамои́л ун-набавиййа» асарларига ёзилган шарҳлар .....	67
Термизийнинг «Илал фи-л-ҳадис» асари.....	74
Илму амали ибратли аллома.....	76
Абу Исо Муҳаммад Термизий меросидан намуналар .....	78
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:.....	80

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ

Сўзбоши.....	83
Алломанинг ҳаёт йўли.....	84
Термизийнинг «Ҳаким» номи хусусида.....	94
Ҳаким Термизийнинг валийлик ҳақидаги қарашлари.....	97
Алломанинг устоз ва шогирдлари.....	101
Ҳаким Термизийнинг илмий мероси.....	107
Ҳаким Термизийнинг ҳадис илмига оид фаолияти .....	112
Аллома шарафига юксак эҳтиром .....	119
Ҳаким Термизийнинг асарларидан намуналар.....	122
Саломлашиш ҳикмати.....	122
Садақани тиланчининг қўлига тутқазининг ҳикмати .....	125
«Ал-амсал мин ал-китаб вас-сунна» китобидан .....	128
Маърифат тарбияси хусусида .....	130
Масоил аҳли Сарахс китобидан.....	133
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати .....	139